

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2021 йил 14 июль куни, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туман суди, ўз биносида ҳамда Учтепа тумани “Чаманзор” маҳалла фуқаролик йиғини биносида, очиқ сайёр суд мажлисида, судья Б.Каримовнинг раислигида, судья ёрдамчиси – Б.Ўтамурадовнинг котиблигида, тарафлардан - давлат айбловчиси Тошкент шаҳар Учтепа туман прокурорининг ўринбосари Х.Турсунов, гумон қилинувчи З.Матқурбонов ва унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи адвокат У.Мухаммадиевнинг иштирокида, Матқурбонов Зуфарбек Зафарбек ўғлига оид 1-1007-2102/303 сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Матқурбонов Зуфарбек Зафарбек ўғли (Matqurbonov Zufarbek Zafarbek o`g`li), 2002 йил 11 январь куни Хоразм вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, бўйдоқ, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, Хоразм вилояти Янгиариқ тумани “Таган” ҚФЙ, “Севган” МФЙ 95-уйда истиқомат қилади,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда гумон қилинувчи тариқасида жалб этилган;

Суд, гумон қилинувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, уларнинг аризалари ва жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Дастлабки тергов органи томонидан аниқланган ҳолатларга кўра, Матқурбонов Зуфарбек Зафарбек ўғли 2021 йил 4 июнь куни соат 18:16ларда ўзганинг мол-мулкни яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, “Telegram” мессенджерида таваккалчиликка асосланган “1 ХВЕТ” ўйини учун юқори коэффицентли чипта (купон)лар сотишга мўлжалланган “King bet” каналини ташкил қилиб, ушбу канал орқали унга мурожаат қилган фуқаро Юлдашов Нурилла Абдукаххар ўғлига 200.000 сўм эвазига юқори коэффицентли чипта (купон) сотиб, сўнгра Н.Юлдашов ҳақиқий бўлмаган чипта учун тўланган пулларни қайтариб беришини талаб қилганидан сўнг “Telegram” мессенджери ёрдамида Н.Юлдашов номига “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ томонидан 8600 0329 5868 0936 серия рақами билан расмийлаштирилган пластик картанинг ҳимоя кодларини қўлга киритиб, мазкур пластик карта ҳисобидаги 1.908.900 сўм миқдоридаги пул маблағларини яширин равишда талон-торож қилиб, ушбу пулларни ўз эҳтиёжларига сарфлаб юборган.



Терговчининг қарорига кўра З.Матқурбонов Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда гумон қилинувчи тариқасида жалб этилган.

Дастлабки тергов жараёнида жабрланувчи Н.Юлдашов ва гумон қилинувчи З.Матқурбоновлар ариза билан мурожаат қилиб, жабрланувчи унга етказилган моддий ва маънавий зарарлар тўлиқ қопланганлигини, гумон қилинувчига ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, гумон қилинувчи эса ўз айбига тўлиқ иқрор эканлигини, улар ўзаро ярашганликларини билдириб, З.Матқурбоновни жиноий жавобгарликдан озод этишни сўраб ўтганлар.

Гумон қилинувчи З.Матқурбонов суд мажлисида ярашиш тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқрор эканлигини, қилмишидан пушаймонлигини, содир этган қилмишини оқибатларини англаганлигини, жабрланувчига етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини, улар ўзаро ярашиб олганликларини, ушбу ярашув бирон-бир тазйиқсиз амалга оширилганлигини билдириб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи Н.Юлдашов суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, гумон қилинувчи З.Матқурбонов томонидан етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини, З.Матқурбоновга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, улар ўзаро ярашиб олганликларини, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлигини, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлигини, ярашув суд томонидан тасдиқланганидан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлигини билдириб, З.Матқурбоновга оид жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖК 169-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, жабрланувчи Н.Юлдашов ҳамда гумон қилинувчи З.Матқурбоновнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Тошкент шаҳар Учтепа туман прокурорнинг ўринбосари Х.Турсунов ҳамда адвокат У.Мухамадиевнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини тинглаб, гумон қилинувчи З.Матқурбоновнинг муқаддам судланмаганлигини, айбига ихтиёрий иқрорлигини ва етказилган зарарнинг ўрни тўлиқ қопланганлигини, жабрланувчи ва гумон қилинувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлигини, ярашув гумон қилинувчи ва жабрланувчининг хоҳишлари билан бўлаётганлигини ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инобатга олиб, З.Матқурбоновга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.



Шу билан бирга, суд жабрланувчи Н.Юлдашовга Ўзбекистон Республикаси ЖПК 583-моддасининг 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддаси, ЖПК 84-моддасининг 4-қисми ва 585-586 моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда гумон қилинувчи тариқасида жалб этилган **Матқурбонов Зуфарбек Зафарбек ўғли (Matqurbonov Zufarbek Zafarbek o`g`li)**га нисбатан юритилган 1-1007-2102/303 сонли жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисмига кўра тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатилсин.

Жабрланувчи Н.Юлдашовга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-модда талаблари, яъни мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотиши тушунтирилсин.

Ажримдан норози томон йигирма кунлик муддат ичида Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг апелляция инстанциясига хусусий шикоят бериши ёки хусусий протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи

(имзо)

Б.Каримов

Ажрим аслига тўғри.

